



**ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ АДЖУ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ва**  
**ATHLETIC DARJE**  
**масъулияти чекланган жамият**

**ўртасида**

**ҲАМКОРЛИК МЕМОРАНДУМИ**

Тошкент шаҳри  
2021 йил

**Тошкент шаҳридаги Аджу университети** (бундан кейин – “Университет”) номидан Проректор Кўчқоров Баҳодир, ва

“Athletic darje” масъулияти чекланган жамият (бундан кейин – “Жамият”) номидан директор Darah Jehoshaphat King, биргалиқда “Томонлар” деб аталувчилар,

ёш авлоднинг жисмоний ва маънавий саломатлигини шакллантириш, соғлом турмуш тарзига интилиш, миллионлар ўйини бўлган ва мамлакатимизда алоҳида ўрён тутадиган спортнинг футбол турига ахолини, айниқса ёшларни кенг жалб этиш мақсадида **қуйидагилар тўғрисида келишиб олдилар**:

## **1. ҲАМКОРЛИК МАҚСАДИ**

Томонлар ушбу Англашув Меморандуми ўзаро ҳамкорликнинг умумий тамойилларини ўз ичига олганлигини чуқур англаған ҳолда, унинг қоидалари ҳамда амалдаги қонунчилик, ўз уставларига амал қилиб, ўзларининг ваколатлари доирасида ўзаро хурмат асосида маънавий ва жисмоний баркамол авлодни шакллантиришда икки томонлама манфаатли ҳамкорликни қўллаб қувватлайдилар ва ривожлантирадилар.

## **2. ҲАМКОРЛИК СОҲАЛАРИ**

Томонлар, кўзланган мақсадга эришиш йўлида қуйидаги соҳаларда ҳамкорликни қўллаб-қувватлайдилар ва илгари сурадилар:

- умумий манфаатга доир масалалар юзасидан маълумотлар, тажриба ва амалиёт алмашиш;
- болалар ва ўсмирларни футбол билан шуғулланишга қизиқишини ошириш, ҳаваскор футболни оммавийлаштириш мақсадида Университет футбол инфратузилмасидан беғараз фойдаланиш;
- Университетда футбол бўйича мусобақаларни мунтазам равишда ташкил этиш;
- маҳалла ёшлари ўртасида «Маҳаллада футбол», «Футболимиз келажаги», «Чарм тўп» футбол мусобақаларини мунтазам ва юқори савияда ўтказиш тизимини йўлга қўйиш;
- футбол соҳасида малакали мутахассисларни қайта тайёрлаш, малакасини ошириш, танлаб олиш ва ривожлантиришга илғор илмий-методик ва инновацион технологияларни жорий этиш;
- юқори иқтидорга эга бўлган ёш футболчиларни танлаш ва саралаб олиш тизимини йўлга қўйиб, профессионал футбол клубини ташкил қилиш тадбирларини ўтказиш;
- Томонлар ўзаро келишган ҳамкорликнинг бошқа соҳалари.

## **3. МАСЛАҲАТЛАШУВ**

Томонлар ушбу Меморандумни қўллаш юзасидан ўзаро келишилган вақтларда маслаҳатлашувлар ўтказадилар.

Томонлар мазкур Меморандум мақсади ва унда белгиланган вазифаларни

ўз томонларидан амалга оширилишига бевосита масъул жавобгар бўлган шахс/шахсларни белгилайдилар.

Томонлар ўзаро келишувига биноан ушбу Меморандум мақсадлари учун бошқа шерикларни, ҳамкорларни жалб қилишлари мумкин.

#### 4. ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР

Ҳар бир Томон ушбу Меморандумга ёхуд унинг бир қисмига ўзгартериш ёки қўшимча киритишни ёзма равища таклиф этиши мумкин.

#### 5. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ

Ушбу Меморандум қоидаларини талқин қилиш, бажариш ва қўллашда Томонлар ўртасида вужудга келадиган ҳар қандай келишмовчилик ёки низолар учинчи томонга ёхуд судларга мурожаат этмасдан, Томонлар ўртасида маслаҳатлашувлар ва/ёки ёзма шаклидаги музокаралар йўли билан дўстона равища ҳамжиҳатлик асосида ҳал қилинади.

#### 6. ҲАМКОРЛИКНИНГ КУЧГА КИРИШИ, АМАЛ ҚИЛИШИ ВА ЎЗ КУЧИННИ ЙЎҚОТИШИ

Ушбу Меморандум имзоланган кундан бошлаб кучга киради ва 2 (икки) йил муддат давомида амал қиласди.

Мазкур модда қоидаларидан қатъий назар, Томонларнинг ҳар бири бошқа Томонни ушбу Меморандум амал қилишини тугатиш нияти борлиги тўғрисида истаган вақтда, бу ниятни амалга ошириш санасидан камида 1 (бир) ой илгари ёзма равища хабардор қилиб, унинг амал қилинишини тугатиши мумкин.

Ушбу Меморандумнинг тугатилиши, унинг амал қилиши ўз ниҳоясига этиши санасидан аввалроқ келиб чиқсан ёки унга асосланган Томонларнинг хукуқ ва мажбуриятларига таъсир этмаслиги лозим.

Мазкур Меморандум 2 (икки) асл нусхада, ҳар иккиси ҳам ўзбек тилида тузилди.

#### 7. ТОМОНЛАРНИНГ ИМЗОЛАРИ

Тошкент шаҳридаги

Аджу Университети

Проректори

Кўнкаров Баҳодир

Маҳкамович



“Athletic darje”

масъунияти чекланган жамият

директори

Darah Jehoshaphat King



2021 йил “8” июль